

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОБИРОВ АНВАР КУВАНДИКОВИЧ

**ШЕЪРИЯТДА СЎЗ ТАРТИБИ
(Ҳозирги ўзбек шеърияти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Собиров Анвар Кувандикович

Шеърятда сўз тартиби (Ҳозирги ўзбек шеърят мисолида) 3

Собиров Анвар Кувандикович

Порядок слов в поэзии (На примере современной узбекской поэзии)..... 21

Sobirov Anvar Kuvandikovich

The word order in poems (on the examples of modern Uzbek poetry) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОБИРОВ АНВАР КУВАНДИКОВИЧ

**ШЕЪРИЯТДА СЎЗ ТАРТИБИ
(Ҳозирги ўзбек шеърияти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil499 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ____ га белгиланган мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Телефон: (99866) 239-11-40. 239-18-92. Факс: (99866) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Телефон: (99866) 239-11-40. 239-18-92. Факс: (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферат 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.д

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида поэтик синтаксисни, хусусан, гапнинг актуал бўлиниши, сўз тартибининг грамматик ва стилистик жиҳатларини ўрганиш долзарбдир. Бу бевосита бадий матнда сўз тартиби меъёрий ҳолатларининг ўзгаришини ҳам ўз ичига олади. Мазкур ҳолат жаҳон тилшунослигидаги сўз тартибини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш орқали бадий нутқ, хусусан, поэтик матнда сўз тартибининг синтактик, коммуникатив ва прагматик хусусиятлари таҳлиliga чуқурроқ ёндашувни тақозо этади. Зеро, халқаро илғор ва замонавий лингвистик тадқиқотларда лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиш самарадорлиги масаласи алоҳида эътиборга молик муаммолар сирасида қаралади.

Дунё фанида лингвистик тадқиқотлар, асосан, мазмуний синтаксисга, нутқий фаолият таҳлиliga йўналтирилаётгани ҳар бир тил сўз тартиби нуқтаи назаридан ҳам ўз имкониятларига эга эканлигини кўрсатади. Ҳинд-европа оиласига кирувчи тилларнинг сўз тартиби билан туркий тиллардаги гап бўлақларининг жойлашув тартиби қиёсланганда тафовутлар яққол намоён бўлади. Бу ўзига хослик сўзлашув нутқида ёзма нутқдан фарқли ўлароқ, гап бўлақларининг жойлашиш тартиби эркинлигида, нутқнинг турли услубий кўринишлари бўлган илмий, расмий ва қисман, публицистик матнларда одатдаги тартибнинг амал қилишида кўпроқ кузатилади. Бадий, айниқса, шеърий нутқда аксар ҳолларда муаллифнинг коммуникатив мақсади ва вазн талабига кўра ўзгарган сўз тартиби устуворлик қилишини монографик ўрганиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга бўлган эътиборнинг кучайганлиги чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этаётган бўлса, кесим гапнинг грамматик марказини ташкил этиши ҳақидаги миллий лингвистик хулоса ўзбек тили синтактик сатҳи ва ундаги ҳодисалар моҳиятини илмий ўрганишда туб бурилиш ясади. Бу икки ҳолат, ўз навбатида, поэтик матнда сўз тартиби шаклланишининг ўзбек тили гап қурилиши, гапнинг актуал бўлиниши каби масалалари ўрганилишида ижтимоий буюртма ва методологик асос вазифасини ўтамоқда. Шу маънода юртбошимизнинг “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”¹ деган фикрлари барчамиздан она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга бўлган меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимизни талаб этади. Чунки она тилини чуқур билиш мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда эркин, қисқа,

1uzazu. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги ПҚ-4479-сон Қарори.

мантиқан изчил баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни бажаришига хизмат қилади.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълими тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон Қарори билан “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида”ги Низоми ҳамда 2020 йил 11 мартдаги “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундамента ва амалий тадқиқотлар самрадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли Қарорида, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фикр ифодалашда сўз тартибининг муҳим восита эканлиги доимо жаҳон олимлари эътиборида бўлиб келган. Жумладан, В.О.Матезиус², В.Г.Адмони³, Е.В.Падучева⁴, И.И.Ковтунова⁵, В.З.Панфилов⁶, И.П.Распопов⁷, О.Б.Сиротинина⁸ каби тилшунослар тилнинг актуал бўлиниши, сўз тартиби, инверсия ҳодисаларини узвий алоқадорликда ўрганишган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам сўз тартиби ҳодисаси XX аср бошларидан тадқиқ этила бошланган. Хусусан, Абдурауф Фитрат “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Наҳв” асарида актуал бўлиниш, тема ва рема каби масалаларга ўз муносабатини билдиргани⁹ эътирофга молик. Т.С.Ядыханова¹⁰

2 Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок: сб. статей. – Москва: Прогресс, 1967. – 497 с.

3 Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. – Ленинград: Издательство Наука, 1973. – 347 с.

4 Падучева Е. В. Коммуникативная расчлененность и пути инверсии подлежащего. – Москва: Языки славянских культур, 2008. – 417–426 с.

5 Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – Москва: Едиториал УРСС, 1976. – 74 с.

6 Панфилов В.З. Грамматика и логика. – Москва: Издательство Академии наук СССР, 1963. – 137 с.

7 Распопов И.П. Актуальное членение предложения (На материале простого повествования преимущественно в монологической речи). – Уфа: Наука, 1961. – 48 с.

8 Сиротинина О.Б. Лекции по синтаксису русского языка. – Москва: Высшая школа, 1980. – 126 с.

9 Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 155 б.

10 Ядыханова Т.С. Порядок слов в простом предложении в узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1964.

Ўзбек тилида сўз тартиби масаласини содда гаплар мисолида ўрганган. Мазкур масалага ўз даврида ҳозиржавоблик билан муносабат билдирган тилшуносларимиздан бири А.Ғуломовдир. У ўзининг “Ўзбек тилида сўз тартиби” мақоласида, асосан, насрий матнда сўз тартибининг вазифалари, структурал-грамматик кўринишлари, аниқроғи, эга ва кесим тартиби, аниқловчи ва аниқланмиш тартиби, ҳол ва кесим тартиби, тўлдирувчи ва кесим тартибига алоҳида эътибор қаратган¹¹. К.Ҳайитметовнинг тадқиқотида эса сўз тартиби гапнинг актуал бўлинишини ифодаловчи асосий воситалардан бири сифатида ўрганилган¹². Ўзбек тилшунос олимларидан Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева, М.Ирискулов, А.Боровков, Н.Маҳмудов, Б.Ўринбоев, Б.Минглиевлар¹³нинг тадқиқотларида ҳам сўз тартиби масаласи синтактик, стилистик ҳодисалар қаторида таҳлил қилинган.

Шеърый матннинг лингвопоэтик таҳлили масалаларини биринчи бўлиб ўзбек шеърыйати мисолида ўрганган И.Мирзаев асосий эътиборини қофия маъносининг шаклланиши, уларнинг шеър тузилиши ва архитектураси ҳамда мазмунига таъсири, унинг лексик ва морфологик воситалар ёрдамида ифодаланиши билан бир қаторда, поэтик синтаксис масалалари – шеърый кўчим (анжанбеманг), киритма, сўз тартиби ва хиазмнинг таркибий-вазифавий хусусиятларини лисоний белгининг асимметрик дуализми аспектида таҳлил қилган. Мазкур тадқиқотда олим шеърыйатда сўз тартибига тўхталар экан, сўз бирикмалари тартиби, гап бўлаклари тартиби ҳақида эътиборга молик фикрларни билдирган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг “Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзусидаги тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида сўз тартибининг турлари, ифода имкониятлари, бирламчи ва иккиламчи вазифалари, бадий тасвир воситаларни ҳосил қилишдаги ўрни, ёндош ҳодисаларга муносабати масалаларини ҳозирги ўзбек шеърыйати мисолида ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ва ўзбек тилшунослигида сўз тартибига доир тадқиқотларни ўрганиш, уларга муносабат билдириш орқали ўзбек шеърыйатида сўз тартибининг воқеланишини кузатиш;

тилшуносликда гапнинг актуал бўлиниши ва сўз тартиби ҳодисаларининг ўрганилишини қиёсий аспектда тадқиқ этиш;

тилшуносликда сўз тартиби моҳиятини ёритишга бағишланган замонавий тадқиқотлардаги қарашларни умумлаштириш ва муайян

11 Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз тартиби // Шарқ Юлдузи, 1946. №. 4-5. – Б. 123-124.

12 Ҳайитметов К. Ҳозирги замон ўзбек тилида инверсия: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1967.

13 Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: автореф. дисс. ... докт.филол. наук. – Ташкент, 1992. – 5 с.

хулосаларга келиш;

ҳозирги ўзбек шеъриятида сўз тартиби ҳодисасининг намоён бўлишини кузатиш, жумладан, унинг синтактик, стилистик, прагматик имкониятларини таҳлилга тортиш;

сўз тартиби ижодкорларнинг тил ҳодисаларидан фойдаланишдаги поэтик индивидуаллигини кўрсатувчи воситалардан бири эканлигини мисоллар орқали асослаш;

сўз тартибининг шеърий ва оддий сўзлашув нутқида мутаносиб келиш сабабларини аниқлаш, шу асосда ўзбек тили сўз тартиби турларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

шеъриятда сўз тартибининг бошқа ёндош ҳодисаларга муносабатини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида ҳозирги ўзбек шеърияти намуналари танланган.

Тадқиқот предмети ўзбек шеъриятида сўз тартибининг ўрни, таснифи, бошқа ёндош ҳодисаларга муносабатини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қиёслаш, зидлаш, таснифлаш, контекстуал, дистрибутив, транспозицион, трансформацион ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек шеъриятида сўз тартиби, шеърий матнда гапнинг актуал бўлишининг ўзаро муносабати, анъанавий (насрий) сўз тартиби билан шеърият сўз тартиби қиёсий ўрганилган, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари аниқланган;

шеъриятда сўз тартибининг тўғри, ўзгарган, контакт, дистант ва аралаш турларининг бирламчи ва иккиламчи вазифалари аниқланган: сўз тартибининг бирламчи вазифаси синтактик, иккиламчи вазифаси эса шеър композициясини шакллантириш ва поэтик деб аталувчи воситаларни юзага келтириши эканлиги далилланган;

шеъриятда инверсиянинг асосий вазифаси муаллиф услубий мақсадининг амалга ошишини таъминлаш, гап таркибидаги бирор бўлакни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш орқали асосий фикрнинг ўқувчи томонидан тез ва осон тушунилишига хизмат қилиши ҳозирги ўзбек шоирлари асарларини синтактик, прагматик аспектларда таҳлил қилиш орқали исботланган;

шеъриятда сўз тартиби турларининг бажарадиган коммуникатив, грамматик ва стилистик вазифалари таснифланган, сўз тартибининг бошқа синтактик, поэтик ва стилистик ҳодисаларни юзага келтирувчи муҳим восита эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шеъриятда сўз тартибини ўрганиш ўзбек тилининг назарий ва мазмуний синтаксисини янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитиши исботланган;

шеъриятда гапнинг актуал бўлиши бевосита сўз тартиби орқали юзага чиқиши лингвопрагматик таҳлил орқали очиб берилган;

сўз тартиби турларининг ифода имкониятларини ҳозирги ўзбек шеърияти мисолида ўрганиш она тили таълимидаги кўплаб чалкашликларни бартараф этиши, натижада ҳозирги ўзбек адабий тили, синтаксис, матн тилшунослиги, таҳлилий ўқиш каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига амалий хизмат қилиши асосланган;

шеъриятда сўз тартибининг бошқа синтактик, стилистик ҳодисаларга муносабатини аниқлаш, сўз тартиби шеърий нутқда фикр, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ифодалаш, ижодкорнинг поэтик индивидуаллигини кўрсатувчи муҳим восита эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг аниқ, илмий манбаларга таянилганлиги, келтирилган таҳлил ҳамда натижаларнинг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, шеъриятда сўз тартиби масаласи тўлақонли тадқиқот объекти эканлигини исботлашда, сўз тартиби назариясини янги далил ва хулосалар билан бойитишда, шеъриятда сўз тартибини ўрганиш ижодкорларнинг сўз қўллашдаги поэтик индивидуаллигини осон аниқлашда ва келгуси тадқиқотлар учун назарий-методологик асос вазифасини бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, “Ўзбек тили синтаксиси”, “Ўзбек тили лингвопоэтикаси”, “Ўзбек тили лингвопрагматикаси”, “Ўзбек тили стилистикаси”, “Нутқ маданияти”, “Матн таҳлили”, “Таҳлилий ўқиш” каби фанлар бўйича ўқув адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, умумий ўрта таълим мактабларининг “Она тили” дарсларида синтаксис бўлимини мукамалроқ ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек шеъриятида сўз тартибини ўрганиш асосида:

шеъриятда сўз тартиби турли бадиий санъатларни ҳосил қилиш орқали бадиий матннинг таъсирли, образли бўлишини таъминлаши ҳақидаги назарий хулосалардан 2003-2007 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-027 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 26 декабрдаги 89-03-5156-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек адабиётида комил инсонни шакллантирувчи сўзларнинг гап ёки мисраларда турли комбинацияларда намоён бўлиши очиб берилган;

сўз тартиби турларидан бўлган тўғри ва ўзгарган тартибда деривацион ёндашувнинг устунлигига оид назарий хулосалардан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал лойиҳада ҳам фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 26 декабрдаги 89-03-5156-сон

маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб ижодкорларнинг сўз тартибидан фойдаланиш индивидуаллиги аниқланган;

диссертация амалий натижаларидан умумий ўрта таълим мактаблари учун она тилидан ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 17 сентябрдаги 01/11-01/4-2292-сонли маълумотномаси). Натижада, 8-синф “Она тили” дарслигининг синтаксис бўлимига доир “Тап бўлаклари”, “Тапда сўзлар тартиби”, “Тап урғуси” мавзулари назарий жиҳатдан ихчамлаштирилди, қоидаларни мустаҳкамловчи машқ ва топшириқларга мослиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг абробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика ва 3 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий (шундан 1 таси scopus) журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг **“Сўз тартибининг назарий масалалари”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, унинг биринчи фаслида **“Сўз тартибининг ўрганилиши”** ҳақидаги масалалар ёритилган. Ўзбек тилшунослигида сўз тартиби тадқиқига бағишланган дастлабки иш Т.С.Ядиханованинг 1954 йил Москвада ҳимоя қилинган диссертациясидир¹⁴. Ишда дастлаб “Туркий тилларда сўз тартиби” масаласи ёритилиб, унда М.А.Казим-Бек, О.Бётлинг, П.М.Мелиоранский, С.Ланге, Н.И.Ашмарин, К.Грёнбек, Э.В.Севортян, А.Ғуломов каби тилшуносларнинг қарашларига муносабат билдирилган ва уларнинг ишларида қайси йўналиш устувор эканлиги кўрсатиб берилган.

И.К.Мирзаевнинг докторлик диссертациясида¹⁵ шеърятда сўз тартиби

14 Ядиханова Т.С. Порядок слов в простом предложении в узбекском языке: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1954.

15 Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент, 1992. – 25 с.

масаласи ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб, лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганилган. Тадқиқотчи шеъриятда сўз тартибини икки даврга: гапнинг актуал бўлиниши масаласининг кун тартибига олиб чиқилгунгача ва ундан кейинги даврга бўлиб ўрганган. Н.А.Баскаковнинг¹⁶ тадқиқотларида сўзларнинг синтактик функциялари маълум морфологик кўрсаткичлар билан ифодаланмаганда, сўз тартиби синтактик муносабатларни кўрсатувчи асосий восита ролини ўйнайди. И.И.Ковтунова¹⁷ сўз тартиби ва гапнинг актуал бўлинишини диахроник планда ўрганган. У актуал бўлинишни юзага келтирувчи асосий восита сўз тартиби эканлигини илмий асослаган. Ёзма ва оғзаки нутқда сўз тартибининг вазифалари фарқ қилишига эътибор қаратган.

Шунингдек, шеъриятда сўз тартиби формал грамматик алоқа воситасидан кўчма (кўчиб юрадиган) ва турланувчан, сўз, сўз бирикмалари ва гап маъно-моҳиятини ойдинлаштирадиган, уларга синтактик ва услубий нозикликлар бағишлайдиган усул мақомига кўтарилади. Нутқнинг аниқ мақсадига мос равишда синтактик бирликларни танлаш доимо энг қулай вариантларни излаш билан боғлиқ. Бунда энг қулай вариант зарурий мазмунни ва эмоционал (ҳиссий) жарангдорлик талабларини қаноатлантириши талаб этилади. Нутқда сўзларнинг қандай тартибда бўлиши гапнинг актуал бўлиниши масаласи билан чамбарчас боғлиқдир.

Бобнинг иккинчи фасли “**Шеърий нутқда гапнинг актуал бўлиниши масаласи**”га бағишланган. Гапнинг актуал бўлиниши таълимотининг лингвистикага киритилиши туркий тилларда сўз тартиби муаммосини ҳал қилишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. И.И.Ковтунованинг таъкидлашича, гапда лингвистик муаммо сифатидаги сўз тартиби масаласи унинг бош омили бўлган актуал бўлиниш масаласини ўрганмасдан туриб, муаммони тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

Сўз тартиби сўзловчининг хоҳиш иродаси, мақсади, услуб талабларига мос равишда жойлашади¹⁸. Актуал бўлиниш талаби билан гапда сўз тартиби ҳар хил бўлади. Поэзияда актуал бўлиниш бутун шеър тузилишини ўзига бўйсундирган вазн, ритм, қофия ва сўз тартибига қараганда иккинчи даражали эканлиги билан изоҳланади, деб таъкидлайди И.Мирзаев¹⁹.

Кўринадики, шеърий ва насрий матнда актуал бўлиниш масаласи баҳсли. Насрий матнда актуал бўлиниш бирламчи масала бўлса, поэзияда қофия, вазн ва сўз тартибидан кейин туради.

Шеърий нутқда сўз тартибининг вазн ясовчи функцияси биринчи ўринга чиққанда унинг актуал бўлиниши ифодаловчи вазифаси кескин сусаяди ёки

16 Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. –Тошкент, Ўқитувчи, 1979. – 18 б.

17 Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение. – Москва: Едиториал УРСС, 1976. – 23 с.

20 Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. – Тошкент: Фан, 1984. – 159 б.

18 Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – 39 б.

19 Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 5 с.

деярли йўқ бўлиб кетади²⁰. Яъни гап бўлақларининг (“тема ва рема”) ўзаро жойлашиши эркин тус касб этади, шунингдек, сўз тартибининг насрга хос меъёрлари сўз бирикмаси доирасида барҳам топади²¹. Ушбу фикрларини амалда кўрсатиш учун мисоллар келтирамиз, қуйидаги мисраларда тема ва ремани ажратиш мумкин, бизнингча:

*Одамлардай яшамоқ керак,
Четда туриб ёнмоқ бесамар...*

Кўп қатори мана мени ҳам

Югуришга ўргатар шаҳар (Усмон Азим, “Танланган асарлар”, 164-б).

Юқорида келтирилган мисоллар И.И.Ковтонованинг шеърларнинг актуал бўлинишига доир фикри батамом тўлиқ эмаслигини кўрсатади, негаки шеъринг нутқ ранг-баранг, шунга кўра уларда сўз тартибининг қўлланилиши, хусусан, гапнинг актуал бўлиниши ҳам ўзига хос характер касб этиши мумкин.

Агар рус тилида синтактик бирликлар ўрнини белгилашда мантиқ урғуси ва тартиб асосий роль ўйнаса, ўзбек тили учун бошқа туркий тилларда бўлган каби гап бўлақлари ўрнини алмаштириш кўпроқ характерли. Бунга биз сўз тартиби турларини ўрганганда ишонч ҳосил қилдик.

Мазкур бобнинг учинчи фасли “Сўз тартибининг турлари” деб номланди. Шеърятда сўз тартиби фикр ифодасининг энг муҳим унсурларидан саналади ҳамда стилистик нуқтаи назардан гапга қўшимча мазмун бўёғини бериш, гап бўлағи маъносини кучайтириш ёки сусайтириш функциясини ҳам бажаради. Синтаксисда гап бўлақлари тўғри ва ўзгарган, контакт ва дистант сўз тартибларидан бирига риоя қилади.

Ўзгарган сўз тартиби – инверсия ҳисобланиб, у баъзан нутқий талабга кўра оддий сўзлашувда, асосан, шеъринг матнларда намоён бўлади. Гап бўлақларининг ўзгарган тартиби сон-саноксиз грамматик комбинацияларни ҳосил қилади.

В.Г.Адмони сўз тартибининг қуйидаги турларини кўрсатади: 1. Контакт ва дистант сўз тартиби. (Яъни гап бўлақларининг ёнма-ён келиши, ёки ажралиб келиши) 2. Препозитив ва постпозитив сўз тартиби (олдин ёки охирида келиши). 3. Қатъий сўз тартиби ва ноқатъий сўз тартиби. (услуглар нуқтаи назаридан) 4. Меъёрий ва ўзгартирилган сўз тартиби (бошланғич ва ўзгартирилган сўз тартиби)²².

И.Мирзаев ўз тадқиқотларида инверсияни юзага келтирадиган омиллар ва унинг намоён бўлиш шакллари ўрганар экан сўз тартиби турларини атрибутив, релятив ва объектлига ажратиб, атрибутив сўз бирикмаларида контакт (ёнма-ён) тартибга мойиллик кучли эканлигини таъкидлайди²³. Унинг фикрига кўра, эга ва кесим ҳар қандай кетма-кетликда – тўғри ва

20 Русская грамматика. – Москва: Издательство академии наук СССР, 1980. – 210 с.

21 Ковтунова И.И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение. – Москва: Едиториал УРСС, 1976. – 29 с.

22 Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. – Ленинград: Издательство Наука. 1973. – 241 с.

23 Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 5 с.

тескари, контакт ва дистант тартибда – келиши мумкин. Ҳозирги ўзбек поэзиясида эганинг кесимдан олдин келиши (препозиция) етакчи ҳисобланади. Кесим препозицияси, одатда, ритм ҳамда қофия мақсадлари туфайли юзага келади ва кам учрайди.

“Ўзбек тили грамматикаси”да сўз тартиби асосан эркинлиги, лекин унинг боғли тури ҳам учраши айтиб ўтилган.²⁴ Боғли тартибда сўзларнинг вазифаси махсус грамматик воситалар асосида эмас, балки гапдаги ўрнига кўра белгиланади, унда гап бўлаги ҳам, гапнинг мазмуни ҳам ўзгариб кетади. Масалан, *қизил олма – Олма қизил* каби. Шеъринг нутқда, асосан, эркин тартиб амал қилади, чунки шеъринг сўз тартиби бадиий насрдаги каби синтаксисга батамом бўйсунмайди, балки маълум маънода уни ўзига бўйсундиради. Шеър учун сўз тартиби бир унсур эмас, балки унинг тузилишини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади.

Кузатишларимиз шеъринг нутқ нуқтаи назаридан сўз тартиби турларига кўшимча қилишни тақозо этади, яъни тўғри, ўзгарган сўз тартиби билан бирга шеъринг аралаш сўз тартиби ҳам кенг қўлланилади. Сабаби назм ва насрнинг турли ритмик бирликларга эгаллигидир. Чунки асосий бирлик қилиб шеъринг мисра (айрим шеърларда банд), насрда эса синтагма олинади. Бу ҳолат сўз тартибини насрда бир меъерий вариантга, назмда бир неча меъерий вариант тўғри келишини кўрсатади. Ўрганишлар натижаси ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз тартиби нисбатан эркин деган хулосага олиб келади. Гап бўлақларининг синтактик ва стилистик имкониятлари сўз тартиби турларининг воқеланишида намоён бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Шеъринг сўз тартиби турларининг воқеланиши**” деб номланиб, ушбу бобнинг биринчи фасли “**Шеъринг нутқда тўғри сўз тартиби**” масаласига бағишланган. Шеъринг нутқда ўзгарган сўз тартиби билан бирга, тўғри сўз тартиби ҳам фаол қўлланилиши фактик мисоллар билан ўрганилди. Ҳозирги ўзбек шеъринг сўздан, тил бирликларидан фойдаланиш маҳоратини етук шоирлар ижоди мисолида ўрганиш, тўғри сўз тартибининг шеъринг мисраларда воқеланишини кузатиш сўз тартиби ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирди. Чунки айрим шоирлар ижодида мутлақ тўғри сўз тартибига асосланган шеърлар ҳам учрайди:

Мени ёмон ранжитдинг,

Сендан қаттиқ хафаман.

Лекин сендек куйдирги,

Қизни қайдан топаман (И.Мирзо, Сени бугун кўрмасам бўлмас, 45-б.).

Иқбол Мирзонинг юқоридаги мисраларида кесимдан олдинги сўзга мантиқий урғу тушиб асосий эътибор шу бўлаққа қаратилган.

Шундай ҳолатни биз шоир Эшқобил Шукурнинг “Қалдирғочнинг кўз ёшлари” туркум шеъринг бошдан охиригача тўғри сўз тартибига амал қилишида ҳам кўришимиз мумкин:

24 Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис.–Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 178 б.

Мен

Қабрда тугилган Гўрўгли эдим,

Икки жаҳон аро Йўлўгли эдим,

Зулмат йўргаклаган Нуруўгли эдим... (Э.Шукур, Кўз юмиб кўрганларим, 4-б).

Муаллиф ушбу шеърда *мен, мени, менинг, менга каби* кишилиқ олмошларини ҳар бир банд бошида алоҳида сатрга чиқариб ижодкор шахсиятини (менини) сўз тартиби орқали таъкидлаб кўрсатади. Шоирлар кўп ҳолларда бармоқ вазнида ҳам аруздаги каби бир хилликка эътибор қилади.

Ҳозирги ўзбек шеърятидан тадқиқот учун танланган ижодкорлар шеърлари таҳлил қилинганда шеъринг матнларда тўғри сўз тартибидан фойдаланадиган шоирлар ҳам кўплиги маълум бўлди. Масалан, Э.Шукур ва И.Мирзо ўз шеърларида бошқа ижодкорларга қараганда тўғри сўз тартибидан кўпроқ фойдаланади. А.Орипов, Э.Воҳидов, Ҳ.Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Р.Парфи шеърларида иккала тартиб аралаш ҳолатда қўлланиши кузатилади. Фақат Ш.Раҳмон ижодида инверсиясиз шеърлар учрамайди, шоир ўз ижодида инверсиянинг мукамал намуналаридан фойдаланганининг гувоҳи бўлдик.

Қуйидаги жадвалда шоирларимизнинг тўғри сўз тартибидан фойдаланиш маҳорати кўрсатилган:

2.1. жадвал

Т/р	Шоирлар	Таҳлили қилинган шеърлари сони	Тўғри сўз тартибига амал қилинган шеърлар сони	Изоҳ
1	И.Мирзо	60 та	11 та	
2	Э.Шукур	60 та	8 та	
3	А.Орипов	60 та	5 та	
4	Э.Воҳидов	60 та	3та	
5	М.Юсуф	60 та	4та	
6	Р.Парфи	60 та	2та	
7	Ш.Раҳмон	60 та	–	

Бобнинг иккинчи фасли “**Шеърятда ўзгарган сўз тартиби – инверсия**” деб номланган. Бадиий асарга тасвирийлик бериш мақсадида поэтик нутқ фигуралари деб юритилувчи поэтик синтаксис воситаларидан кенг фойдаланилади. Антик риторикадан бошлаб синтактик фигуралар деб аталаётган риторик сўроқ, эллипсис, градация, банд, анафора, эпифора, такрор, антитеза кабилар бадиий-поэтик синтаксис бирликлари ҳисобланади. Ўзбек тили бадиий-поэтик синтаксиси элементлари ҳақида фикр юритилганда инверсия (ўзгарган сўз тартиби) алоҳида ўринга эга. Инверсия формал нуктаи назардан тўғри (насрга хос) сўз тартибининг бузилиши, функционал нуктаи назардан эса, асосан, поэтик нутққа хос сўз тартибидир.

Инверсиянинг гапдаги асосий вазифаси бадиий матнда, айниқса,

шеърий асарларда муаллиф услубий мақсадининг амалга ошишини таъминлаш, гап таркибидаги бирор бўлакни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш орқали асосий фикрнинг ўқувчи томонидан тез ва осон тушунилишига эришишдир.

Ухлолмайсиз сокин, бемалол,

Қаролмайсиз оламга гамсиз.

Ором бермас барибир хаёл:

Катта Ерда катта Одамсиз (Ш.Раҳмон, Адабиёт оралаб, 24-б).

Юқоридаги мисраларда грамматик кўрсаткичларсиз, тартиб орқали ҳоким сўзларга боғланган биринчи мисрадаги *сокин, бемалол*, иккинчи мисрадаги *гамсиз* равиш ҳоллари кесимдан олдин жойлашиши керак эди. Аммо мисраларда улар қофия, вазн ҳамда ижодкорнинг поэтик мақсадидан келиб чиқиб ўз ўрнини ўзгартирган, яъни эркин жойлашган. Шу ўринда насрий ва шеърий нутқнинг ўзига хослиги аниқ кўринади, чунки мана шундай боғланиш насрда бўлганда инверсияга учраган ҳоллар ажратилган равиш ҳоли ҳисобланарди ва гап бўлакларидан оҳанг жиҳатдан (ёзувда тиниш белгилари билан) ажратилиб қўйилар эди. Шунинг учун ҳам шеърият ўз синтаксисига эга.

Ш.Раҳмонда инверсиянинг оригинал намуналарини учратиш мумкин:

Энди сафсар кечаларда оқ

машъалалар тутиб улуғвор

кенгликларда кезар чиройли

кундузларни ахтариб баҳор (Ш.Раҳмон, Абадият оралаб, 54-бет).

Насрга айлантирилганда: *Баҳор энди чиройли кундузларни ахтариб сафсар кечаларда оқ машъалалар тутиб улуғвор кенгликларда кезар.* Муаллиф **оқ, улуғвор, чиройли** сўзларини мисралар охирида келтириб, баҳорнинг сифатларини таъсирли ифодаламакда. Бу – сўз тартибининг қудрати. Насрга ўтказилганда **оқ** – машъаланинг белгиси, **улуғвор** – кенгликларга тааллуқли, **чиройли** – кундузнинг сифати, шеърда эса улар баҳорнинг хусусиятларини ифодаламакда. Қуйида ўзгарган сўз тартибининг имкониятлари сўз тартиби вазифаларига диққат қилинганда тўлиқроқ намоён бўлиши очиб берилади.

Бобнинг учинчи фаслида **“Шеъриятда сўз тартиби турларининг вазифалари”** ўрганилди. Ҳар қандай лингвистик ҳодиса каби сўз тартибининг бирламчи ва иккиламчи вазифаларини фарқлаш лозим, чунки сўз тартиби турларининг ифода имкониятларини ўрганар эканмиз, бажарадиган вазифаси нуқтаи назаридан ҳам уларни даражалаб олиш зарурати юзага келди. Дастлаб О.Б.Сиротинина²⁵ фикрларига тўхталадиган бўлсак, у ёзма нутқдаги сўз тартибининг уч вазифасини ажратиб кўрсатади: 1. Коммуникатив (тил бирлигининг ўзаро алоқа-муносабат жараёнидаги аҳамияти). 2. Стилистик (услубий бўёқдорлик). 3. Грамматик (сўз бирикмаларининг ҳосил бўлиши ва яхлит сақланиши).

25 Сиротинина О.Б. Лекции по синтаксису русского языка. – Москва: Высшая школа, 1980. – 126 с.

Бизнингча, насрий нутқдан фарқли ўлароқ, шеъриятда сўз тартибининг бирламчи вазифаси грамматик вазифа, яъни гап бўлақларини ҳосил қилиш, иккиламчи вазифаси коммуникатив вазифа, кейинги вазифаси эса услубий бўёқдорлик ва таъсирчанликни юзага келтириш, вазн, қофия ва бадий санъатларни юзага келтириш кабилар.

Фактик материаллар таҳлили насрий матнларда сўз тартибининг коммуникатив вазифаси етакчи эканлигини кўрсатади, чунки сўзловчи айтмоқчи бўлаётган фикр, матн мазмунининг ривожланиб бориши ҳар бир гапда тема ва рема ўрнини белгилайди. Шеърий матнлар эса ўзига хос тузилишга эга, чунки шеъриятда бош мақсад ахборот бериш эмас, фикр, туйғулар ижодкорнинг поэтик мақсадини ифодалашдир.

В.Г.Адмони сўз тартибининг вазифаларини қуйидагича кўрсатади:

1) лексик-грамматик вазифа; 2) структур-грамматик вазифа; 3) эмоционал вазифа; 4) коммуникатив билиш вазифаси; 5) логик-грамматик вазифа.

Мазкур таснифлардан хулоса чиқарган ҳолда замонавий ўзбек шеърияти ёрқин намояндаларининг турли мавзудаги шеърлари қиёсан ўрганилиб, улардаги сўз тартиби турларининг вазифалари таҳлил қилинди. Албатта, сўз тартиби бундай вазифаларни бажаришда бошқа ёндош синтактик, стилистик воситалар билан ҳам алоқага киришади, биргаликда ўрганилади.

Ишнинг учинчи боби **“Сўз тартибининг ёндош ҳодисалар билан муносабати”** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида **“Сўз тартиби ва мантиқий урғу”** масаласи тадқиқ этилган. Ўзбек шеъриятида сўз тартибининг, жумладан, инверсиянинг содир бўлишида гап урғусининг аҳамияти ҳам қатъий тартибда текширилгани йўқ. Ўзбек тилида мантиқий урғунинг моҳияти ўзига хос синтактик ҳодиса сифатида ўрганилмоқда. Интонацияни ташкил этувчи компонентларга мантиқий урғу, ритм ва оҳанг каби просодик бирликлар билан бир қаторда сўз тартиби ҳам уни ташкил қилишда иштирок этади. Шу ўринда, А.Боровков мантиқий урғунинг моҳиятини ўзгача эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: **“Ўзбек тилида сўзни талаффуз билан, яъни мантиқий урғу билан ажратиш мумкин эмас. Мантиқий урғу ўзбек тилида синтактик воситалар (инверсия) орқали ифодаланади”**²⁶.

Академик А.Кононов эса ўз тадқиқотларида сўз тартиби масаласига тўхталиб, ўзбек тилида ҳар бир бўлак мантиқий урғу билан айтилиши мумкин, аммо бу ўзбек тили учун асосий ва етакчи ҳодиса эмас²⁷, деган фикрни илгари суради. Бироқ А.Ғуломовнинг сўз тартиби ва мантиқий урғу ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. Унинг фикрича, ўзбек тили учун характерли бўлган усул мазмун жиҳатдан аҳамиятли бўлган гап бўлагини унинг ўрнини алмаштириш орқали ифодалашдир²⁸.

Мантиқий урғунинг сўз тартибига таъсири ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳам акс этади. Муаллиф унинг ёрдамида шеърда ўзи айтмоқчи бўлган маънога ўқувчи эътиборини қаратади. Баъзан урғу берилган бўлақни ҳар бир

26 Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис.–Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 214 б.

27 Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. Москва: Издательство Академии наук СССР, 1960. – 174 с.

28 Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз тартиби. // Шарқ Юлдузи, 1946. – №4-5, 123-124-б.

мисрада такрорлаш усули билан бу мазмунни тобора кучайтиришга эришади. Шеърий асарлар тилида гап бўлаклари тартибида инверсия ҳодисасининг қўлланишида гапга маълум бир маъновий юк бериш кўзда тутилади. Масалан:

Оҳиста-оҳиста ёғади ёмғир,

Оҳиста-оҳиста кўзгалар шамол.

Оҳиста-оҳиста тўкар юмшоқ нур

Булутлар бағридан кўринган **хилол** (У.Азим. Сайланма, 52-б).

Шеърий матнларни таҳлил қилиш мобайнида шоирларнинг мантиқий урғудан фойдаланиш маҳоратига ҳам эътибор қилинди. Ижодкор ўз шеърида муайян кечинма, туйғу ёки фикрни ифодалашни мантиқий урғу зиммасига юклайди. Бундай пайтда мантиқий урғу сўз тартибига таъсир қилади. Демак, шеъриятда сўз тартибининг ўзгариши мантиқий урғуга ҳам боғлиқ.

